



“Хар бир хонадон бекаси бекор қолмаслиги керак”

4-с.

Руҳан тетик одамга муаммолар тўсиқ эмас

6-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

**№29
(2357)**

**2026 йил
8 АПРЕЛЬ,
ЧОРШАНБА**

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

ОБОДЛИК

МАҚСАД — НАТИЖАДОРЛИКМИ ЁКИ ШУНЧАКИ РЕЖА БАЖАРИШ?

“Яшил макон”, бу — шунчаки лойиҳа эмас, балки табиатга эътибор ва келажак авлод олдидаги масъулиятдир. Шу маънода 2026 йилги баҳор мавсуми нафақат кўчат экиш, балки “маҳаллабай” ишлаш тизимининг ўзига хос имтиҳонига айланди.



Бу ҳақда сўз кетганда, 2025 йил баҳор ва куз мавсумларида “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида маҳаллалар, кўчалар, аҳоли томоққаларида жами **46 миллион 949 минг туп** манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилганини айтиб ўтиш ўринли. Бу натижалар лойиҳа доирасида олиб борилаётган ишларнинг кенг қамровли эканини тасдиқлайди.

Жорий мавсумда ҳам республикадаги **8 992 та маҳалла** асосий “драйвер” сифатида танлангани бежиз эмас. Зеро, “маҳалла еттилиги” ва кўчабошилари бевосита аҳоли билан мулоқотда бўлиб, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш имкониятига эга. Белгиланган **17 миллион туп** кўчатнинг асосий қисми айнан аҳоли хонадонлари, “Маҳалла боғлари” ва янги ташкил этилаётган “Мевазор боғлар” ҳиссасига тўғри келади.

Давоми 2-саҳифада.

ЖАҲОЛАТ — ЖАРЛИК ДЕМАК

Вояга етмаганлар жиноятга нега қўл уради?



Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қотиллик жиноятлари билан судланган ўсмирларнинг 20 фоизга яқини ота-онасиз, учдан бири эса тўлиқсиз оилада ўсган. Ҳар бешинчи ҳолатда ота-она судлангани ёки жиний йўлга кириши боланинг ҳам шу йўлга тушишига сабаб бўлади.

5-саҳифада.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Янги гача ёндашув, аниқ мақсад, ишонч ва натижа фурсати

Бугун маҳалла институти давлат ва халқ ўртасидаги шунчаки кўприк эмас, балки муаммолар ечим топиладиган асосий бўғинга айланди.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоевнинг Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла раислари билан ўтказган навбатдаги учрашуви айнан шу мақсадга — тизим ишини янги босқичга олиб чиқишга қаратилди.

Авалроқ бундай учрашувлар Сергели ва Юнусобод туманлари раислари билан ҳам ташкил этилганди.

Мулоқотнинг диққат марказида оилавий ажралишларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари турди. Таъкидланганидек, маҳалла раиси ва профилактика инспекторининг ҳамкорлиги фақат қоғозда эмас, балки амалда — ҳар бир хонадонга кириш, муаммони илдизи билан ўрганиш орқали намоён бўлиши керак.

Учрашувда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи-

га алоҳида тўхталиб ўтилди. Бу жараёнда асосий эътибор фақат моддий ёрдам беришга эмас, балки ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш ва тадбиркорликка йўналтиришга қаратилади. Янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича аниқ таклифлар кўриб чиқилди.

Маҳаллаларга ажратилаётган 10 фоизлик бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш — бугунги куннинг муҳим талаби. Ушбу маблағлар маҳалла аҳлининг ўзи томонидан танланган, уларнинг фаровонлигига хизмат қиладиган лойиҳалар-

га йўналтирилиши ва жараён мутлақо шаффоф бўлиши шартлиги белгиланди. Шунингдек, “Яшил макон” умумий лойиҳаси доирасидаги ишлар ва маҳалла раисларининг жамиятдаги нуфузини ошириш масалалари кизгин муҳокама қилинди.

Шайхонтоҳур туманидаги учрашув шуни кўрсатдики, маҳалла тизимида “ноанъанавий” ва очик мулоқотлар даври бошланди. Белгиланган чора-тадбирлар режаси ҳар бир маҳалланинг қиёфасини ўзгартиришга, энг муҳими, одамларнинг давлатдан ва ҳаётдан рози бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН



АМИР ТЕМУР НОМИДАГИ МАҲАЛЛАЛАР ҚИЁФАСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Маҳаллага Соҳибқирон Амир Темур номи-нинг берилиши замирида чуқур тарихий, тарбиявий ва стратегик мазмун-моҳият ётади. Бойси Амир Темур шахси — давлатчилик, адолат ва тартиб-интизом тимсоли. Маҳаллани унинг номи билан аташ орқали биз ўтмиш ва келажак ўртасида кўприк қураимиз. Бу ном маҳалла аҳлига ҳар қуни: “Сен буюк зотнинг вориссан”, деган муждани етказиб туради. Мазкур маҳаллада яшовчи ҳар бир фуқаро ўз ҳудудининг нуфузини сақлашга маънавий жиҳатдан бурчли эканини ҳис қилиши зарур.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси маълумотига кўра, бугунги кунда мамлакатимизда Амир Темур номидаги 33 та маҳалла фаолият юртияпти. Бу ном шунчаки географик атама эмас, балки катта маънавий меросни зиммага олиш ва юксак ижтимоий масъулиятдир.

Амир Темурнинг давлатчилик борасидаги ўлмас ўғитлари ҳам бугунги маҳалла бошқаруви учун энг мукамал қўланмадир. Соҳибқироннинг “Кенгаш ва машварат” тамойили “маҳалла еттилиги” ва оқсоқоллари фаолиятида муҳим дастуриламал бўлиши лозим. Маҳалладаги ҳар бир муаммо — хоҳ у ижтимоий низо, хоҳ ободонлаштириш бўлсин, ақл, машварат ва адолат билан ечилиши керак. “Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин”, деган ҳикмат маҳалла фаолларининг кундалик шиорига айланиши шарт.

Давоми 2-саҳифада.

4-саҳифа


“Тежамкорлик” тамойили тўйларни тартибга туширади-ми?



Гранддан иш ҳақи тўланса, солиққа тортиладими?




Ҳоким ёрдамчиси имтиёзли кредитни эҳтиёжига ишлатганми?



8-саҳифа



ПРЕЗИДЕНТГА ТАҚДИМОТ: “UzAuto Motors”, “Навоийазот” ва иссиқлик электр станциялари хусусийлаштирилади.



Хитой компаниясида ишлаб чиқилган “САМАРҚАНД-2028” СУНЬИЙ ЙЎЛДОШИ жорий йилнинг май ойида фазога учурилади.



Ўзбекистонда МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН 8 миллиард доллар йўналтирилади.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Республика Маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Долзарб вазифалар ва “еттилик” фаолияти муҳокама қилинди

Унда жорий йилнинг биринчи чорагида “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” Давлат дастури ижроси, шунингдек, маҳаллаларда “маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Тизимдаги мавжуд муаммолар атрофича таҳлил этилиб, устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Йиғилишга Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, Республика Маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши раисининг ўринбосари Қажрамон Қуронбоев раислик қилди ва маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамияти тобора ортиб бораётгани, айниқса, жойларда ислохотларни самарали амалга оширишда “маҳалла еттилиги” муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади.

Тадбирда “маҳалла еттилиги”га масъул вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари иштирок этиб, тегишли йўналишлар бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот тақдим этди.



Муҳокамалар давомида аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий профилактика самарадорлигини ошириш, маҳаллаларда хавфсиз ва барқарор муҳитни шакллантириш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш борасидаги ишлар таҳлил қилинди. Шу билан бирга, ер ва мол-мулк солиқларининг ундирилиши ҳолати кўриб чиқилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш ҳамда ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Йиғилишда ёшларни қўллаб-қувватлаш, маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш ва “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишларни жадаллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан тегишли мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН


АМИР ТЕМУР НОМИДАГИ МАҲАЛЛАЛАР ҚИЁФАСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Соҳибқирон қаерга қадам қўймасин, у ерда ободлик ва бунёдкорликни бошлаб берган. Амир Темур номидаги маҳалланинг қиёфаси ҳам унинг номига муносиб бўлиши талаб этилади. Кўчаларнинг тозаллиги, хонадонларнинг тартиблилиги, ҳудуднинг яшилликка буркангани “Боғи баланд” ёки “Боғи дилқуш” анъаналарининг давом этаяётганидан дарак берса, маҳалла гузари ва иншоотларида миллий нақшлар, Темурийлар даврига хос локувард ранглар ва муштақамлик акс этиши — аҳолида тарихий гурурни уйғотади. Яъни “Темур тузуклари”даги тартиб маҳалла кўчаларининг тозаллигидан тортиб, қўшничилик муносабатларига ҳам акс этиши лозим.

Бу жиҳатлар фақатгина Амир Темур номи берилган маҳаллалардагина эмас, буюк саркарда туғилган ва дафн этилган жойдаги маҳаллалар аҳли учун ҳам бирдек таааллуқли.

— Бутун дунё тан олган Соҳибқирон туғилган қишлоқда раислик қилиш туйғуси ва масъулиятини сўз билан таърифлаш қийин, — дейди Яққабоб туманидаги Хўжа Илғор маҳалласи раиси Азамат Нормуродов. — Ҳар гал тонгда қишлоғимиз ҳавосидан нафас олганимда, шу тупроқда Соҳибқироннинг илк қадамлари изи борлигини ҳис қиламан. Бу ерда раис бўлиш — катта тарихий омонат саналади. Шунга қўра, масъулиятимиз икки ҳисса ортиқ. Чунки бу ерга келган ҳар бир меҳмон маҳалламизнинг кўринишига, одамларнинг юриш-туришига қараб, “Темур бобомизнинг қишлоқдошлари шунча бўларкан-да”, деб баҳо беради. Шу маънода биз нафақат ўз исмибиз, балки Соҳибқирон шаъни учун ҳам жавобгармиз.



Қишлоғимиздаги ҳар бир бола Амир Темурнинг болалиги ҳақидаги ривоятлар билан улғаяди. Ҳудудда чавгонбозлик, кураш ва бошқа миллий спорт турларига қизиқиш жуда баланд. Ёшларнинг шижоати фақат жисмоний кучда эмас, балки билимда ҳам кўринишини истаётми. Бугун маҳалламиздан чиққан ёш олимлар, тадбиркорлар ўз фаолиятида Амир Темурга хос қатъият-ни кўрсатишмоқда.

Амир Темур учун давлатнинг қудрати — халқнинг розилигида бўлган. Маҳаллада истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро — давлат эътиборидаги шахсдир. “Қай бир жойдан бир гишт олинса, ўрнига ўнта гишт қўйилсин”, деган талаб бугун маҳалладаги етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинадиган, эътиёжманд оилаларга кўмак бериш, етимлар бошини силлаш ва муҳтожларга елкадош бўлиш шаклида ўз аксини топмоғи лозим.

Бугунги куннинг “жанг майдони”, бу — билим, ахборот технологиялари ва иқтисодий рақобатдир. Амир Темур номидаги маҳалланинг ёшлари лоқайд бўлишга асло ҳаққи йўқ. Соҳибқирон даврида Самарқанд илм ва ҳунармандчилик маркази бўлганидек, маҳалла ҳам ёш тадбиркорлар, уста-ҳунармандлар ва илмга чанқоқ ёшлар маконига айланиши лозим. Йиғиндаги спорт майдончаларида келажақнинг мард ва жасур паҳлавонлари тарбияланиши, уларда “Темур авлодими!” деган қатъият сезилиб турмоғи даркор.

— Ҳар куни ишга келаётганимизда Гўри Амир мақбарасининг мовий гумбазига қараб, ичимиздан бир титроқ ўтади: “Биз шу бобомизга муносиб-мизми?” деган савол ҳар биримизни сергак тортиради, — дейди Самарқанд шаҳридаги “Гўри Амир” маҳалласи раиси Алишер Каримов. — Бу ерда яшаш, ишлаш — буюк шараф, аммо шу билан бирга улкан масъулият ҳамдир. “Темур тузуклари”даги тартибларни кундалик ҳаётга татбиқ этишга интиламиз. Масалан, маҳалла фаоллари билан биргаликда ҳар бир кўчанинг ўз қиёфасини сақлаш, миллий метъорчилик анъаналарини асраш борасида ишлаймиз.

ободлик

МАҚСАД — НАТИЖАДОРЛИКМИ ЁКИ ШУНЧАКИ РЕЖА БАЖАРИШ?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Жамшид НАЗАРБОВЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бош мутахассиси.

Бугунги кун ҳолатига қўра, республика бўйича 15 миллион 636 минг туп (режанинг 92 фоизи) қўчат экилгани ижобий кўрсаткич, албатта. Айрим ҳудудларда белгиланган режалар ортиги билан бажарилган. Хусусан, Кармана, Оққўрғон, Бойсун, Тойлоқ каби туманларда юқори натижаларга эришилган.

Лойиҳанинг энг муҳим жиҳати — унинг ижтимоий йўналтирилганлигидир. Кам таъминланган оилалар ва ёлғиз кексалар хонадонларига мевали дарахтлар экиб берилиши нафақат ҳудуд кўрки, балки келгусида хонадонлар учун қўшимча даромад манбаи ҳамдир. Шунингдек, ҳар бир хонадонга камида 10 тупдан мевали дарахт экилиши “томорқа — даромад манбаи” тамойилини ҳаётга татбиқ этмоқда. Бу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигига ҳисса қўшиш мақсад қилинган.

Юқоридаги натижаларга қарамай, айрим ҳудудларда бу жараёнга ҳамон “хўжақўрсин”га ёки шунчаки ҳисобот учун ёндашиш ҳолатлари учраб турибди. Жўмладан, рақамлаштириш даврида ҳар бир экилган қўчат махсус “Яшил макон” платформасига киритилиши шарт. Бу шаф-фолликни таъминлаш ва келгусида қўчат тақдирини кузатиш учун асосий воситадир. Аммо таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, баъзи туман ва шаҳар бўлимларида бу жараёнга ўта суст ёндашилган.



Қўчат экилган бўлсаю, у тизимда акс этмася ёки кечикиб киритилса, бу нафақат статистиканинг бузилишига, балки ишчи ташкил этишдаги интизомсизликка ишора қилади. Масъулларнинг бу борадаги бепарволиги лойиҳанинг умумий занжирида узилиш ҳосил қилмоқда.

Энг оғриқли нуқта — молиялаштириш масаласидир. Жорий йил баҳор мавсумида зарур маблағ манбалари мавжуд бўлишига қарамай, республика бўйича атиги 68 та туман ва шаҳар бўлимлари жами 4,5 миллиард сўм маблағни қўчат экиш ва парваришга йўналтирган. Қолган ҳудудлардаги сукут сақлаш ва маблағларни ишлатишдаги сусткашликни қандай изохлаш мумкин? Қўчат экиш учун маблағ ишлатилмас экан, демак, суғориш тизими, парвариш ва муҳофаза масалалари ҳам очиқ қолмоқда. Бу эса экилган қўчатларнинг қўриб қолишига, давлат маблағларининг беҳуда сарфланишига олиб келади.

Ҳозирги вақтда аниқ вазифалар белгилаб берилган:

10 апрелга қадар аҳоли томорқаларида камида 10 тупдан мевали дарахт экилиши таъминланиши шарт. Бу нафақат экология, балки аҳоли фаровонлиги учун ҳам муҳим. Шунингдек, “Янги Ўзбекистон қиёфаси” олиб кирилаётган 33 та туман ва шаҳардаги “оғир” маҳаллаларда “Маҳалла боғлари”ни барпо этиш ва ижтимоий муҳтож қатламларга ҳашар йўли билан кўмаклашиш — лойиҳанинг инсонийлик қиррасини белгилаб беради.

Энди “шунчаки ҳисобот” даври тугади. Мавсум якуни бўйича ҳудудий бошқармалар ва бўлимлар фаолияти рейтинг асосида баҳоланади. Юқори натижа кўрсатганлар рағбатлантирилса, сусткашликка йўл қўйганлар, маблағни ўз вақтида йўналтирмаганлар ва платформага маълумотларни тўлиқ киритмаганларга нисбатан қатъий интизомий чоралар қўрилади.

Умуман олганда, “Яшил макон” лойиҳаси нафақат экологик муҳитни яхшилаш, балки аҳоли турмуш даражасини ошириш, ҳудудларни ободонлаштириш ва жамиятда экологик маданиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шундай экан, бу масалада эътиборсизликка ўрин йўқ, масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш зарур.

Маҳалламизда ташкил этилган тўғарақлар, спорт мусобақаларида асосий урғун мардлик ва билимга қаратамиз. Бобомиз етти иқлимини нафақат қилич, балки ақл ва илм билан ҳам фатҳ қилган. Шунинг учун ёшларимизнинг хорижий тилларни ўрганиши, ахборот технологиялари соҳасида ютуқларга эришиши биз учун Соҳибқирон руҳини шод этиш билан баробар. Улардаги шижоат — бугунги куннинг “маънавий қалқони” бўлиши керак.

Муҳтасар айтганда, маҳалла Амир Темур номини бериш, у туғилган ва дафн этилган маҳаллада яшаш, бу — шунчаки шараф эмас, балки ҳар кун илмнинг топшириш демакдир. Бундай ҳудуднинг оқсоқолидан тортиб, оддий аҳолисигача ўзининг маданияти, кийиниши, сўзлашиши ва ўзаро меҳр-оқибати билан бошқаларга ўрнатқ бўлиши шарт. Агар маҳалла аҳолиси Соҳибқироннинг “Куч — адолатдир” деган фойси остида бирлашса, бу маскан нафақат ҳудуднинг, балки бутун мамлакатнинг маънавий қалбига айланади. Зеро, буюк ном буюк ишларни талаб қилади!



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.



Давлат идораларида **БИР ХОДИМГА ТЎҒРИ КЕЛАДИГАН ЎРТАЧА МАЙДОН 27 квадрат метрдан 12-15 квадрат метргача қисқартирилади.**



Қамчиқ доводина **“MOUNTAIN RESORT” ХАЛҚАРО ТОҒ ДАМ ОЛИШ ҲУДУДИ** қурилади.



Ўзбекистон **МИЛЛИАРД ВАЛЮТАДА 1 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР эквивалентдаги облигацияларни 12,25 фоиз ставкада жойлаштирди.**

2026 йил
8 АПРЕЛЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №29

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

ТОМОРҚА — ДАРОМАД МАНБАИ

Яқин йилларда томорқасида ери, билагида кучи бор инсонлар ҳам ишсизлигидан шикоят қилар, маҳалладан ёрдам сўради...

Рўзғорга керакли маҳсулотлар бозордан сотиб олинмайди

Одилжон ИНОМОВ,
журналист.

Айрим оилалар қишлоқда яшаса-да, ер шўрлаган, томорқа қумлоқ ёки сув тақчил, деган бахонаю важар билан рўзғорига бодринг, помидорни ҳам, сабзи-пиёзу картошкани ҳам бозордан ташишга ўрганиб қолганди. Содда қилиб айтганда, айрим одамларнинг танбаллиги билан томорқадан оқилона фойдаланиш ўз холига ташлаб қўйилган эди.

Бундан ташқари, хонадонда чорвачилик ва паррандачилик йўлга қўйилган. Бу — нафақат қўшимча даромад манбаи, балки рўзғор баракасини янада оширишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, томорқада картошкани, пиёз каби кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан бир қаторда олма, беҳи, гилос, анор ва шафтоли каби мевали дарахтлар парваришланмоқда.



Маҳалла тизимидаги ислохотларнинг энг муҳими, мана шундай фикрдаги инсонлар дунёқарашини ўзгартиришга эришилди. Бугун халқимиз ҳар қарич ернинг қадрига етиб, ундан ризқу-насиба ундиришни одатга айлантириб олди. Наманган туманидаги “Тера қиёт” маҳалласида шундай эзгу ният билан томорқасида турли экинлар етиштираётган, ўғил-қизларига деҳқончилик сир-синаотини ўргатаётган, пешона тери эвазига тўкин-сочин, осойишта ва обод турмуш кечираётган оилалар кўп.

Мисол учун, Тоҳиржон Ғойипов ана шундай меҳнатсевар инсонлардан. У ўзининг беш сотихли томорқасидан оқилона ва самарали фойдаланиб, оиласининг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирмоқда.

ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ! КЎЧАТЛАРИНГИЗ КУЧЛИ ВА ҲОСИЛДОР БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Бунинг бош сабаби — пайвандлаш амали бажарилмаганида! Илмий хулосаларга кўра, сабзавот кўчатларини пайвандлаш, бу — пайвандуст ва пайвандтагни бирлаштириб, кучли ва ҳосилдор ўсимлик олиш усулидир. Унинг асосий фойдаси — касалликларга чидамликни оширади, иқлимга мослашув яхшиланади, ҳосилдорлик сезиларли кўпаяди.

Шодмон НАМОЗОВ,
Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Пайвандлаш — ўсимликнинг ҳаётчан бир қисмини бошқа бир ўсимлик тўқимасига жойлашди. Бунинг натижасида тўқималар регенерация бўлиб бирикади ва бир ўсимлик каби ўсишни давом эттиради. Сабзавот экинларини пайвандлаш кўчатлик босқичида бажарилди. Бу жараёнда ўсиб турган ўсимликнинг қаламчаси (пайвандуст)ни бошқа илдизли ўсимлик (пайвандтаг)га уланади. Пайвандтаг сифатида кучли илдиз тизими шакллантирадиган тупроқ намлиги, ҳароратга кам талабчан, шўрланиш ва тупроқдаги касалликлар (фузариоз, нематода, илдиз чириш ва бошқа)га чидамлик навларни ишлатиш керак. Бу ҳусузиятлар уни чидамликни таъминлайди.

Энг муҳими — пайвандланган кўчатлар озукаларни яхшироқ ўзлаштиради. Шу сабабли ўсимлик тез ва барқарор ривожланади. Бу усул орқали ўсимликнинг ҳосил бериш даври узаяди, яъни сиз кўпроқ ва узоқ муддат ҳосил оласиз.

У помидор, бодринг, бақлажон, тарвуз ва қовунда қўлланади. Пайванддан кейинги 5-7 кунда юқори намлик, тўғри ҳарорат жуда муҳим!

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

ИХТИСОСЛАШУВ ИШСИЗЛИККА БАРҲАМ БЕРЯПТИ

Бугун ҳар бир ҳудуд ривожини иқтисослашув билан узвий боғлиқ. Аҳолимиз деҳқончилик ва чорвачиликдан даромад топади. Шу билан бирга, туз заводи, сут олишга иқтисослашган чорва фермаси ишлаб турибди.



Индира ЭРГАШЕВА,
Тахтақўпир туманидаги Қараой овул фуқаролар йиғини ҳоким ёрдамчиси.

Хоким ёрдамчиси лавозими-га тайинланишимдан аввалги фаолиятим бевосита оила ва хотин-қизлар тизими билан боғлиқ эди. Қолаверса, шу маҳаллада 15 йилдан бери яшаганим боис аҳоли шароитини янгидан ўрганишим шарт бўлмади. Ким нима билан машғул, қайси оила билан кенгроқ ишласа бўлади, тадбиркорга янада яхшироқ ривожланиши учун қандай ёрдам кераклигини билганим анча қўл келди.

Аҳолининг узоғини яқин қилиб, шу йилнинг ўзида 4 та кўчма дўкон ишга туширдик. Натижада 4 нафар ишсиз хотин-қиз ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди. Бир қанча деҳқон ҳўжаликлари ижарага олинган ерлардан самарали фойдаланиб келмоқда.

Тажрибамга асосланиб айтсам, ишсизлик камбағалликни келтириб чиқармоқда. Бу эса, ўз навбатида, ички ва ташқи миграциянинг кўпайишига сабаб бўляпти. Қолаверса, билим ва касб-ҳунар, тадбиркорлик қилиш учун зарур кўникманинг етишмаслиги ҳам қўшимча муаммо туғдирмоқда. Аслида, камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш чорасиз муаммо эмас. Барчасини маҳаллий даражада ҳал қилса бўлади, фақат шунга яраша ҳаракат, ресурс ва аниқ мақсад керак.

Бунинг учун ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш билан муаммо ҳал бўлмастлигини тушуниб етдик. Шу сабабли аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотишга интиляпмиз.

Ҳудудда чорвачилик ва деҳқончиликни ривожлантириш бўйича қўшимча имкониятлар борлиги шу йўналишни кенгайтиришга туртки бўлди. Маҳалла раиси Асқар Палмуродов бошчилигида деҳқончиликни ривожлантириш учун янги технологияларни қўллаган ҳолда, ишончли ва синалган навларни танлаб, юқори ҳосил берувчи уруғлардан экишни йўлга қўйдик. Шунингдек, сувни тежовчи тизимлардан фойдаланиш унумдорликни ошириши, юқори ҳосил гарови эканлиги, чорвадорларга насилли қора молларни боқиш орқали икки карра фойда қилиш имконияти тушунтирилмоқда. Бундан ташқари, асаларчилик йўналишида кооперация ташкил қилдик. Йўл бўйидаги захкашлардан фойдаланиш орқали ўрдак боқишни йўлга қўйиш ҳаракатидамиз.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

“Янги қува” — “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла”га айланади

Наима МАМАСИДДИҚОВА,
Фарғона вилояти.

Мамлакатимизда маҳаллаларга “Янги Ўзбекистон қиёфаси”ни олиб кириш, аҳоли учун қулай инфратузилмани яратиш ишлари тизимли давом этмоқда.

Хусусан, Қува туманидаги “Янги Қува” маҳалласида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари аҳоли муаммоларини ҳал этапти. Махсус дастур асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилашга ажратилган маблағлар доирасида қатор муҳим ишлар босқичма-босқич бажарилмоқда. Жумладан, ички йўллар ва пиёдалар йўлақларини таъмирлаб, асфальтлаш ишларини олиб бориш, ирригация ва сув таъминоти тизимини яхшилаш кўзда тутилган.

Айни йўналишдаги ишларнинг бориши доимий назоратда. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъуллари ва Уюшманинг вилоят бошқармаси вакиллари иштирокида “маҳалла еттилиги” билан ташкил этилган учрашувда ҳам бу масала диққат марказида бўлди.



Очиқ мулоқот шаклида ўтган тадбирда ҳудудда олиб борилаётган ишлар, мавжуд муаммолар, уларнинг ечимлари муҳокама қилинди. Мутасаддилар маҳалла фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳоли билан ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича зарур тавсиялар берди. Шунингдек, меҳмонлар маҳаллада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди.


Дарҳақиқат, ҳудудда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида фуқаролар йиғини янгича кўришни касб этиб, том маънода “Янги Ўзбекистон қиёфаси”даги замонавий маҳаллага айланиб бормоқда.



Саифани Хайрулло Абдурахмонов тайёрлади.



Эндиликда дори воситаларининг самарадорлиги 12 ТА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ МАНБАЛАР АСОСИДА текширилади.



Британиялик киноижодкорлар АБУ АЛИ ИБН СИНО ҲАҚИДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ суратга олади.



Эндиликда хорижий сайёҳларга Ўзбекистонда сотиб олинган товарлар учун ҳисобланган ҚҚС "TAX FREE" ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ҚАЙТАРИБ БЕРИЛАДИ.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

“Ҳар бир хонадон бекаси бекор қолмаслиги керак”

Бундан тўрт йил аввал маҳалла тизимида иш бошлаган вақтим 1 700 нафар аёлнинг 50 фоизга яқини ишсиз эди. Бу муаммони бартараф этиш мақсадида хонадонма-хонадон юриб, тарғибот тадбирларини олиб бордик. Худудимиздаги турли ташкилот ва хусусий сектордаги бўш иш ўринларини топиб, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга киришдик.



Ислохотлар ва тақдим этилаётган имкониятлар билан ҳамоҳанг тарзда худудимизда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдираётганлар сони кун сайин ортиб борапти. Файратли ва шижоатли опа-сингилларимиз тумандаги тадбиркорлик марказида томорқачилик, гулчилик, паррандачилик ва асаларичилик йўналишларида ўқиб, махсус сертификатларни қўлга киритишди.



Фотима ҚАХҚОРОВА, Зарбдор туманидаги “Дўстлик” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Маҳалламизда тикувчилик курси ташкил этиб, “Устоз-шоғирд” анъанаси асосида опа-сингилларимизга хуна ургатишни бошладик. Бу ерда шу кунга қадар 200 нафардан кўпроқ қизиқувчилар билим ва малакага эга бўлди. Саъй-ҳаракатларимиз ва ташаббуслар самараси ўлароқ, бугун хотин-қизларнинг ишсизлик кўрсаткичи 15 фоизга туширилди.

Аёллар билан суҳбат жараёнида уларнинг ҳуқуқий ва тиббий билимга эҳтиёжи борлигини англаб едик. Соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда мазкур масала бўйича учрашув ва машғулотлар олиб борилди. Натижада ўз мустақил фикрига эга бўлган, аниқ орзу ва мақсадлари сари интиладиган хотин-қизлар сафи анча кенгайди.

Фотима Турмаматова бир неча йилдан буён янги-дан-янги лойиҳалар устида ишлаб, имкониятларини намоён этиб келяпти. Аввалига беданачиликдан бошланган оилавий тадбиркорлик кейин новвойчиликка уланди. Утган йили эса маҳалла тавсияси билан тақдим этилган 100 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига аёл умумий овқатланиш шохобчасини ташкил этди. Шу орқали 3 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлашга ўз хиссасини қўшди.

Келгусида ҳар бир хонадон аёлини тадбиркор бўлиши учун астойдил ҳаракат қилмоқчимиз. Айниқса, миллий қандолатчилик, яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўналишларини ривожлантириб, аҳоли талаб ва эҳтиёжлари учун сифатли маҳсулотлар етказиб беришни мақсад қилганмиз. Ҳозирда мазкур лойиҳа бўйича 8 нафар аёл ўқишни бошлаган. Йил якунига қадар яна 24 нафар талабгорни билим олиши учун муносиб шароит яратиб бермоқчимиз.

Назаримда, меҳнат қилиш, вақтни мазмунли ўтказиш оилавий муносабатларни янада мустаҳкамлайди, ҳақиқий ҳаёт завқини туйиб яшашга ўргатади.

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЯНГИ ҲАЁТИ

Ҳам мароқли ҳордиқ, ҳам ҳаётний кўникма

Навоий вилоятдан 150 нафар эҳтиёжманд хотин-қиз Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги дам олиш масканида соғломлаштириш ва мазмунли ҳордиқ чиқариш тадбирларида иштирок этди. Улар орасида турли тоифадаги, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож, ҳаёт синовларини матонат билан енгиб келаётган хотин-қизлар бор.



Оила ва хотин қизлар қўмитаси матбуот хизмати.

Мазкур ташаббус “Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори асосида амалга оширилмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, ҳар йили республика бўйича 50 минг нафардан ортик хотин-қизни дам олдириш, уларнинг ҳуқуқий, психологик ва тадбиркорлик кўникмаларини мустаҳкамлаш орқали ҳаётда ўз ўрнини топишига қўмаклашиш назарда тутилган.

Дам олиш ва соғломлаштириш тадбирлари хотин-қизларнинг нафақат жисмоний саломатлигини тиклаш, балки уларнинг маънавий-руҳий ҳолатини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш ва эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Жумладан, Навбахор тумани “Са-рой” маҳалласида яшовчи Муқаддам Соҳибназарова яратилган имкониятдан мамнун эканини билдириб, бундай эътибор ва ғамхўрлик хотин-қизлар ҳаётида муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси маълумотиغا кўра, ушбу дастур доирасида ҳар йили вилоятдан минг нафарга яқин хотин-қиз соғломлаштириш масканларига юборилиб, уларнинг саломатлиги билан бирга, маънавий-руҳий барқарорлигини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Когон туманидаги “Саодат ательеси” раҳбари Саодат Очилова 2013 йилдан буён тикувчилик йўналишида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Меҳнат, сабр ва доимий изланиш — тўсиқларга мустаҳкам қалқон

Зариф КОМИЛОВ, журналист.

У ўз фаолиятини дастлаб 7 та тикув машинаси ва 2 нафар ходим билан бошлаган бўлса, бугунги кунда 6 нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлаб, 100 нафардан зиёд шоғирдининг тадбиркорлик сари қадам қўйишига қўмаклашяпти.

Яна бир фаол тадбиркор Насиба Бобоева ҳам тикувчилик соҳасида ўз ўрнига эга. У 2025 йилда 16,5 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига ўз ишини кенгайтиришга муваффақ бўлди. Бу имконият янги ускуналар харид қилиш ва иш ҳажминини оширишга хизмат қилди.

Мадина Қодирова эса қандолат маҳсулотларини тайёрлаш йўналишида фаолият юритиб келмоқда. У кичик цехда 27 турдаги ширинлик, нон ва нон маҳсулотларини тайёрлаб, маҳаллий бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминляпти. Унинг ёрдами билан 14 нафар хотин-қизнинг ишли бўлгани алоҳида эътиборга молик.

Когон туманидаги бу каби тадбиркор аёллар билан суҳбат чоғида улар ўз фаолиятида учраётган қийинчиликлар, давлат яратётган имкониятлар ва келгусидаги режалари ҳақида сузлаб беришди. Улар учун асосий омил — меҳнат, сабр ва доимий изланиш эканини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга, имтиёзли кредитлар, тадбиркорликка оид дастурлар ва “маҳалла етилиги”нинг қўллаб-қувватлаши уларнинг ишини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Бундай тадбирлар хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тизимли ишларнинг амалий ифодасидир.



Саҳифани “Mahallia” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА тайёрлади.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

ОҒРИҚ НУҚТАЛАР...

Жамият учун оғриқли нуқта сифатида қараладиган исрофгарчилик, дабдабозлик, “орзу-ҳавас”га ортиқча берилиш каби иллатларга қарши курашиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

“Тежамкорлик” тамойили тўйларни тартибга туширадими?



Пардаҳол НОРҚОБИЛОВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака-маросимларни ихчам ва камхарж ўтказиш мақсадида тизимли ишлар йўлга қўйилгани, манзилли чора-тадбирлар асосида тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилаётгани ўз натижасини бермоқда. Аммо турли иллатларга берилиб, миллионларни бир кунда сарфлаб юбораётганлар ҳам борлиги аниқ ҳақиқат.

Мазкур жиҳатларни ҳисобга олиб, мамлакатимизда тўй, оилавий тантана, маърака ва маросимларни меъёрида ўтказишни халқимизга етказиш учун маънавий-профилактик тадбирларни амалга ошириш лозим. Бунинг даврининг ўзи тақозо этмоқда. Шу мақсадда тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорликда янги лойиҳа ишлаб чиқди.

Узлугимизни кемирувчи иллатларга қарши аёвсиз курашиш мақсадида ташкил этилган “Маромийлик” лойиҳаси маросимларни дабдабадан холи ўтказишни тарғиб этади.

Манзилли чора-тадбирлар дастури асосида маҳалла-ларда ўтказилаётган тушунтириш ва тарғибот ишларида бевосита “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари, “Нуроний” жамғармаси вакиллари иштирокида ташкил этилаётган давра суҳбатлари, семинар-тренинглари, учрашувлар, оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини сақлаш ҳамда ёш келин-куёвларни оилавий ҳаётга маънан тайёрлашда муҳим тизим сифатида хизмат қилмоқда.

Мазкур йўналишдаги тарғибот тадбирлари Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Жиззах, Сирдарё вилоятларида юқори фаоллик билан ўтказилмоқда.

Биргина Қорақалпоғистон Республикаси мисолида таҳлил этадиган бўлсак, “Иқшамлилик” ва “Тежамкорлик” тамойиллари асосида ўтказилган тушунтириш ишлари натижасида маҳаллалардаги тўй-маросимларда ортиқча сарф-харажатларни 30-35 фоизга камайтириш бўйича жамоатчилик келишувларига эришилди.

Бухоро вилоятида маҳалла фуқаролар йиғинлари бинolari ҳамда аҳоли гавжум жойларда тўй ва оилавий тадбирларни маромийлик асосида ўтказиш бўйича баннерлар ўрнатиш, унда тадбирларни камхарж ўтказиш юзасидан белгиланган тартиблар, харажатлар меъёри ҳамда тежаладиган маблағлар миқдорини аниқ ва тушунарли кўринишда акс эттириш мақсадида тарғибот тадбирлари ўтказилляпти.

Унда жами 14 та тумanning 38 та маҳалласи, 10 та ташкилот ва корхонада маромийлик тамойилларини тарғиб қилиш, тежамкорлик ҳамда ортиқча исрофгарчиликнинг олдини олишга уруғ берилди.

Сурхондарё вилоятида эса тарғибот тадбирларини ўтказиш билан бирга тўй маросимларини ихчамлаштириш, дабдабозлик ва исрофгарчиликни камайтириш мақсадида аҳоли орасида рақамли тарғибот йўналишида узлуксиз ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, исрофгарчиликнинг олдини олиш, тўй ва маросимларда ихчамлик, тежамкорликни тарғиб этиш мақсадида “Туймисан, тўй бўлди!” шиори остида намунали, ихчам тўйлар қилиш йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, бу нафақат иқтисодий тежамкорлик, балки жамиятда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш учун ҳам муҳим омили ҳисобланади.



Ҳарбий хизматчилар учун ОЛИЙГОҲГА ЎҚИШГА КИРИБ, МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ яратилади.



Янги Низом билан Ўзбекистонда ТАЛАБАЛАРНИ ЎҚИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БУЛМАГАН ИШЛАРГА жалб этиш тақиқланди.



Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси ҳузурда ҚУТҚАРУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ ТЕХНИКУМИ ташкил этилади.

2026 йил 8 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

Mahalla №29

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ЖАҲОЛАТ — ЖАРЛИК ДЕМАК

Болалик — энг нозик ва ҳиссиётларга бой давр. Биз уни кўпинча “болалик-ғўрлик” деб атаймиз, лекин айнан шу даврда қилинган арзимас хатолар бутун бир умрни белгилаб қўйиши мумкин. Бугун ўсмирлар орасида содир этилган ана шундай жиддий хатоларга тез-тез дуч келамиз.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТГА НЕГА ҚЎЛ УРАДИ?



Зебинисо АҲМАДОВА, психолог.

Улар кўпинча энг оддий ҳаракатлар — синфдаги жанжал, дўстлар билан тортишув, майда ўғрилиқ, ҳатто безорилик каби ишлар, деб қаралади, лекин баъзан бу “майда хатолар” уларни оғир жиноят йўлига бошлаб қўяди. Афсуски, бугун республикада вояга етмаганлар орасида оғир жиноятлар кўп учраяпти: қотиллик, оғир тан жароҳати етказиш, босқинчилик, талончилик, ўғрилиқ, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш ва сотиш.

Статистикага кўра, 2025 йилда вояга етмаганлар 3 266 та жиноят содир этган, уларнинг аксарияти ўғрилиқ билан боғлиқ. Шу жиноятларнинг 65,5 фоизи Тошкент шаҳри, Фарғона, Навоий, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Қотиллик жиноятларининг эса 15 тасини вояга етмаганлар содир этган.

Сабаблар кўп ҳолларда оилавий муҳит билан боғлиқ. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қотиллик жиноятлари билан судланган ўсмирларнинг 20 фоизга яқини ота-онасиз, учдан бири эса тўлиқсиз оилада ўсган. Ҳар бешинчи ҳолатда ота-она судлангани ёки жиноий йўлга кириши боланинг ҳам шу йўлга тушишига сабаб бўлади.

Психолог сифатида ўсмирларни жиноят йўлига олиб борадиган яна бир сабабни алоҳида таъкидлайман: руҳий ва жисмоний зўравонлик. Масалан, бир ўсмирни оламик — ота-онаси ажрашган, мактабдан уйга қайтгач, ҳеч ким унга эътибор бермайди, дўстлари билан тортишув содир бўлади, синфдошлари уни камситади. Шу шароитда у ўзини кучсиз ва тан олинмаган ҳис қилади. Натижада ўсмир нафрат билан тўлиб, майда ўғрилиқдан бошлаб, катта жиноятгача бориши мумкин.

Вояга етмаганлар ҳаёти 9-16 ёш оралиғида кескин ўзгаради. Шу даврда болада ўзига ишонч, ҳурмат, орзуларини амалга ошириш қобилияти шаклланади. Агар бу даврда болага меҳр, эътибор ва қўллаб-қувватлаш этишмаса, у дунёга норози ва баъзида зўравон бўлиб улғаяди. Шу боис ҳар бир ўсмирни эътибор билан тинглаш, руҳий яраларни даволаш ва унинг салоҳиятини ривожлантириш муҳим.

Шунингдек, таълимга бўлган имкониятларни чеклаш ўсмирни жиноятга етаклаганининг гувоҳи бўлганми. Мисол учун, бир синфдан ушлаб ўқувчилар олий таълимга кира олмаган, уларнинг айримлари ўзини жамият учун фойдасиз, деб ҳис қилган. Шу шубҳа билан у ўзини майда жиноятлар билан “намоён қилади”. Ана шундай пайтда ота-она боласига ҳар доимигидан-да, эътиборли бўлиши, руҳий далда бериши, шуниингдек, илм олишга рағбатлантириши, унга ўқиш учун зарур шароит яратиши керак.

Халқаро тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз ҳаракатининг оқибатини тўлиқ англаш 25 ёшдан кейин шаклланади. Шу сабабли, вояга етмаганларнинг жиноят йўлидан қайтарилиши ва уларга ижобий таъсир кўрсатиш мумкин. Статистикага кўра, жиноят йўлини тутган ўсмирларнинг 80 фоизда улғайгач, ижобий хулқ шаклланиб, жиноят йўлини тарк этади. Шундай экан, уларни ана шу ўта муҳим босқичда қўллаб-қувватлашимиз даркор.

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаганларнинг жиноятга берилиши кўпинча оилавий муҳит, руҳий зўриқишлар, эътиборсизлик ва таълим имкониятларининг етишмаслиги билан боғлиқ. Уларни соғлом ривожлантириш, руҳий ва жисмоний зарар етказмаслик, эътибор билан тарбиялаш орқали нафақат уларнинг келажаги, балки жамиятнинг ҳавфсизлиги таъминланади. Шундай қилиб, болаликдаги арзимас хатолар бутун умрга таъсир қилиши мумкин, аммо тўғри ёндашув ва тарбия уларни ижобий томонга ўзгартиради.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Барча айбни ёшларга юклаш нотўғри

Оилавий низола баъзан ёшларнинг ҳаёт йўлини тубдан ўзгартириб юборади. Маҳалламизда шундай оила бор эди, икки ака-ука узоқ йиллардан бери ҳовлисини икки қисмга бўлиб олган, тинимсиз тортишувлар фарзандлар руҳий дунёсида ҳам оғир из қолдирган эди...

Ситора ТУРДИЕВА, Пастдарғом туманидаги “Гулақандоз” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Шу муҳитда улғайган Сабрина Нажмиддинова ҳаётга норозилик, ғазаб қайфияти билан қарай бошлади. Кўп ҳолларда у кўчада жанжалларга аралашиб қолар, профилактик назорат ходимларининг эътиборига тушган воқеалар эса бунга гувоҳлик берарди. Оилавий шароитини ўрганганимизда, унинг акаси ҳам майда жиноят билан 2 йил муддатга жазо ўташга мажбур бўлганини билиб, айбни фақат ёшларга юклаш нотўғри эканини тушундик. Чунки тинчлик бўлмаган жойда ёшларга соғлом тарбия беришнинг иложи йўқ. Шу сабабли биз Сабрина ва унинг акасини диққат билан кузатиб, улар билан индивидуал ишлашга қарор қилдик. Ота-оналар билан суҳбатлашиб, уларга фарзандларнинг келажаги тинчлик ва меҳр-муҳаббат билан боғлиқлигини аниқладик.



Сабринага психологик ёрдам кўрсатилди, унинг қизиқишлари ўрганилди ва касб-хунарга йўналтирилди. Аёллар сартароши йўналишида маникюр ва педикюр қилишни ўрганди, сўнгра ўз ишини бошлашни истади. Ҳоким ёрдамчиси билан келишган ҳолда унга 10 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди, керакли асбоб-ускуналар тақдим этилди. Ҳозирда у мустақил ишляпти, ўзининг кичик бизнесини ривожлантирмоқда. Акаси ҳам озодлиқка чиққач, пайвандлаш бўйича жиҳозлар билан таъминланди ва темирчи усталаримиз унга соҳанинг сир-асрорларини ўргатмоқда.

Бу ҳолат бизга бир нарсани яна бир бор эслати: агар ёшлар учун имкониятлар яратиб берилса, улар ўз иқтидорини намоён этиб, ҳаётга бошқача қарай бошлайди. Маҳалламиздаги ёшлар нафақат шижоатли, балки билимга чанқоқ, серғайрат. Уларнинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир ғайрати мени ҳам илҳомлантиради.

Мен ҳар кунни ўйлайман: ёшларимиз учун қандай янги эшиклар очилган бўлса, қайси рағбатлар уларни янада интилувчан қилади? Шу ўйлардан бири амалиётга татбиқ этилса дейман — тил ўрганишга рағбатлантириш. Мисол учун, китобхоналикни ошириш мақсадида турли совринлар, ҳатто машиналар қўйилди. Болалар ушбу рағбат эвазига юзлаб китобларни ўқимоқда, билим олишга астойдил киришмоқда. Шу каби тизим тил ўрганишга ҳам татбиқ қилинса, масалан, ўз она тилидан ташқари учта тилни муқаммал ўрганган мактаб ўқувчиларига стипендия берилса, улар бор иқтидорини сарфлашга интилади.

Чунки шу вақтда билим олиш, ўзини ривожлантириш — энг муҳим вазифа. Шу кичик рағбат уларни тилларни ўрганишга, ўз иқтидорларини юксалтиришга ундарди. Иқтидорли болалар жуда кўп, ҳатто уйда ўтириб ҳам билим олишлари мумкин. Биз эса уларга шундай имкониятлар яратишимиз, рағбатлантиришимиз керак.

БАНДЛИК БАРҲАМ ТОПАЙМИЗ?

Аралаш экиш юқори ҳосилдорлик ва унумдорлик гарови



Сарвиноз ЖАЛОЛОВА.

Айниқса, замонавий ёндашув ва янги ташаббуслар орқали ердан унумли фойдаланиш борасида ёшлар фаол иштирок этапти. Хусусан, Китоб туманининг “Яккатут” маҳалласидаги “Баҳромбек Ихтиёр ўғли” фермер хўжалиги бу борада ёрқин мисол бўла олади. Ушбу хўжалиқда ёш ва серғайрат деҳқон Илҳом Асқаров Бобомеҳр тажриба ва билимларни замонавий усуллар билан уйғунлаштириб, янги ташаббусларга қўл урди.

Унинг саъй-ҳаракатлари билан хўжалиқдаги 5 гектар майдонда замонавий иссиқхона ташкил этилди. Бу ерда, асосан, лимон кўчатлари парваришланади. Лимон — йил давомида талаб юқори бўлган, экспортбоп ва даромадли экинлардан бири ҳисобланади. Кўчатлар махсус агротехника қоидалари асосида экилиб, уларнинг ҳарорати, намлиги ва озуқа билан таъминланиши доимий назорат қилиб борилади. Иссиқхонада томчилатиб суғориш тизими жорий этилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, лимон кўчатлари орасидаги бўш майдонда помидор, бодринг, ҳатто картошка каби сабзавотлар етиштирилмоқда. Бу усул — аралаш экиш деб аталади ва у ер ресурсларидан юқори даражада фойдаланиш имконини беради. Шу билан бирга, турли экинларни биргаликда етиштириш тупроқ унумдорлигини сақлайди ва касалликлар хавфини камайтиради.



Саҳифани «Mahalla» мухбири Шаҳноза ЖАЛОЛОВА тайёрлади.

Бугунги кунда ушбу иссиқхонада етиштирилаётган маҳсулотлар йил давомида узуқсиз равишда ички бозорга етказиб берилмоқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Кредитга олинган уй қандай тартибда сотилади?

Абдулла СОАТОВ, Навоий вилояти:

— Мен субсидияга уй олганман, кредит тўловларини ҳали тўлиқ ёпмадим. Шу ҳолатда уйни сотмоқчи бўлсам, кафил бўлган шахсни кафилликдан чиқариш мумкинми? Ёки бунинг учун банкнинг алоҳида розилиги керакми?

Мирсаид МИРМАҚСУДОВ, Кадастр агентлиги директорининг ўринбосари:

— Сиз субсидия асосида уй-жой олган бўлсангиз ва ушбу уй буйича ипотека кредити тўлиқ қайтарилмаган бўлса, уни сотиш ҳамда кредит буйича кафилни алмаштириш масаласи кредит берган банкнинг розилиги билан амалга оширилади. Чунки ипотека кредити буйича барча мажбуриятлар банк билан тузилган шартнома асосида юзага келган ва унинг шартларини бир томонлама ўзгартириш мумкин эмас.

Сиз уйни сотмоқчи бўлсангиз, амалдаги кредит мажбуриятини янги сотиб олувчига ўтказиш масаласи кўриб чиқилади. Фуқаролик кодексининг 322-моддасига мувофиқ, қарзни бошқа шахсга ўтказиш фақат кредитнинг розилиги билан амалга оширилади. Банк янги харидорнинг тўлов қобилиятини, даромад манбаларини ва молиявий барқарорлигини текшириб, шундан кейингина тегишли қарор қабул қилади.

Кафиллик масаласига келсак, у асосий мажбуриятга боғлиқ ҳисобланади. Агар кредит янги шахс номига ўтказилса ва сиздаги амалдаги кафил янги қарздор учун жавобгар бўлишга розилик бермаса, у ҳолда унинг кафиллик мажбурияти бекор қилинади. Банк янги қарздордан янги кафил тақдим этишни талаб қилади ва янги кафил билан алоҳида шартнома расмийлаштирилади.



22 апрелдан бошлаб, БЕГОНА НОМДАГИ РАҚАМ БИЛАН мобилъ иловада рўйхатдан ўтиш чекланади



ЭЛЕКТРОСАМОКАТЛАР УЧУН ХАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИ талаб этилмаслиги белгиланди.



Ўзбекистонда ХАЙВОНЛАРГА ШАФҚАТСИЗЛИК ҚИЛГАНЛАР энди бир йилгача қамалиши мумкин.

6

Mahalla №29

2026 йил 8 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Руҳан тетик одамга муаммолар тўсиқ эмас

Инсон жисмонан соғлом бўлиши учун, аввало, руҳий тетиклик зарур. Қачон у ўзини хотиржам ва сиқилишлардан холи ҳис қилса, хасталик ва муаммоларни ҳам енгиб ўтиш анча осон кечади.

Давлатжон ПОЛВОНОВ, журналист.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бу масалага алоҳида эътибор қаратиб келяпти. Эҳтиёжманд ва ногиронлиги бўлган фуқароларга кўмаклашишни психологлар хизматидан бошлашнинг асл мудаоси ҳам шунда.

Фуркат туманидаги “Инсон” маркази психологи Нозима Аҳмедова 2026 йилнинг биринчи чораги мобайнида тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, шунингдек, турли оилавий низолар ва инкирозли вазиятларга дуч келган 47 нафар фуқарога юқори малакали психолог ва ижтимоий ёрдам кўрсатди. Ушбу жараёнда ҳар бир ҳолат алоҳида ўрганилиб, индивидуал психолог ёндашув асосида иш ташкил этилди.



Психологик хизматлар илмий асосланган ташхис ва даволаш усуллар орқали амалга ошириляётгани билан алоҳида эътиборга молик. Дастлаб, мурожаатчиларнинг руҳий ҳолатини аниқлаш мақсадида жонли суҳбат ҳамда стандартиштирилган психологик тестлардан фойдаланилди. Олинган натижаларга таянган ҳолда ҳар бир мурожаатчи учун алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Бу дастурлар салбий фикрлаш моделларини ўзгартириш, арт-терапия орқали ички ҳис-туйғуларни ифодалаш, нафас олиш машқлари орқали жисмоний ҳолатни барқарорлаштириш каби асосий йўналишларни қамраб олди.

Даволаш жараёни бир марталик эмас, балки тизимли равишда олиб борилди. Ҳар бир мижоз билан ўртача 3-8 марта машғулот ўтказилди. Бу эса ўртада ишончли муносабат шаклланишини таъминлаб, даволаш самарадорлигини сезиларли даражада оширди.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Бир умрга татигулик кўмак бермоқ — вазифамиз

Мен ҳар бир шахснинг дардини тинглаш, қўллаб-қувватлаш ва умид беришни асосий инсоний бурчим, деб биламан. Кўрсатиляётган кўмак ортида бир умрлик умид яшашига ишонаман.



Жумагул ЖУМАЕВА, Гулистон шаҳридаги “Обод юрт” маҳалласи ижтимоий ходими.

Менин ижтимоий соҳага кириб келишим ҳам айнан инсонларга ёрдам бериш истаги билан боғлиқ. Илк меҳнат фаолиятимни тарбиячи сифатида бошлаган бўлсам-да, кейинчалик ижтимоий хизмат соҳасида ишлашни танладим. Бугунги кунда 1,5 йиллик тажрибага эга бўлиб, катта ҳаётий сабоқлар олдим. Ногиронлиги бўлган шахслар учун ўқув курслари ташкил этиб, уларнинг айримларини тадбиркорликка, айримларини иш билан таъминлашга эришганим — мен учун энг катта ютуқлардан бири.

Айни вақтда маҳалламизда 3 984 нафар аҳоли, 1 192 та оила истиқомат қилади. Уларнинг 190 нафари ногиронлиги бўлган шахс. Ҳар бир рақам ортида алоҳида тақдир, алоҳида эҳтиёж бор. Менин вазифам эса шу эҳтиёжларни ҳис қилиш ва ечим топишдан иборат.

Бугунги кунда ҳудудимиздаги 128 та хонадон Ижтимоий реестрга киритилган. Уларнинг 41 таси давлат таъминотидаги, 76 таси камбағал оила. Ушбу аҳоли вакиллари билан индивидуал ишлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва босқичма-босқич ҳал этиш — кундалик фаолиятимнинг асосини ташкил қилади.

Ўтган Рамазон ойи давомида Президентимиз қарори асосида 132 нафар фуқарога бир марталик моддий ёрдам ажратилди. Бу кўмак нафақат моддий, балки маънавий қўллаб-қувватлаш ҳам бўлди. Айниқса, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчилар, чин етим бола тарбияланаётган оила ва “маҳалла еттилиги” ҳулосаси асосида аниқланган фуқароларга кўрсатилган ёрдам уларнинг ҳаётида сезиларли ўзгаришлар қилди.

Шунингдек, бир нафар ногиронлиги бўлган, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи фуқарони аниқлаб, рўйхатга киритдик. Унинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида ёрдамчи хизмати бириктирилди, мuddати ўтган паспорти янгилаб берилди. Бу кичикдек туюлган ишлар инсон ҳаётида катта ўзгаришларга сабаб бўлишини амалда кўриб, туйовчи бўляпмиз.

2026 йил бошидан бугунга қадар 50 нафардан ортиқ оила билан камбағаллик сўровномаси ўтказилди ва улар Ижтимоий реестрга киритилди. Ҳар бири учун алоҳида режа ишлаб чиқилиб, 100 га яқин ижтимоий хизмат бириктирилди. Шу билан бирга, 13 нафар фуқарога “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан озиқ-овқат ва кийим-кечак учун ваучерлар тақдим этилди.

Бу жараёнда “маҳалла еттилиги”нинг ўрни алоҳида. Улар билан ҳамкорликда ҳар бир хонадонга кириб бориб, ҳақиқий эҳтиёжни аниқлаш, адолатли ва манзилли ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўляпмиз. Бу эса иш самарадорлигини янада оширмақда. Ижтимоий ходим бўлиш бу — оддий касб эмас. Аксинча, инсон қалбига йўл топиш, уни қўллаб-қувватлаш ва жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашидир. Мен ўз ишимдан фахрланаман ва келгусида янада кўпроқ инсонларга наф келтиришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА тайёрлади.



БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказаятган “VoiceUp – 2026” инклюзив ёшлар оромгоҳининг Қашқадарё вилояти босқичида дастлаб иштирокчилар Китоб туманидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказида бўлиб, аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар билан яқиндан танишди.

“VOICEUP – 2026”: ДЎСТОНА МУҲИТ, ЎЗARO ИШОНЧ ВА КЕЛАЖАККА МУСТАҲКАМ ОДИМ



Дилшодбек ШОДИЕВ, журналист.

500 нафарга яқин ёш орасидан саралаб олинган 50 нафар иштирокчи учун семинар ҳамда жамоавий ишлаш кўникмаларини ривожлантирувчи машғулотлар ташкил этилди. Шунингдек, иштирокчилар ўз лойиҳалари тақдирини ўтказди.

Шаҳрисабз туманидаги туризм маскани — Мираки шаҳарчасида ташкил этилган тренинглар давомида ёшлар ўз фикрларини эркин ифода этиш, лидерлик қобилиятларини шакллантириш ва ижтимоий фаолликни ошириш бўйича муҳим билим ҳамда тажрибаларга эга бўлишди.

“VoiceUp – 2026” инклюзив болалар оромгоҳининг энг муҳим ва ҳаяжонли босқичи — лойиҳалар тақдироти жараёни бўлди. Унда иштирокчилар ўз гоялари, ташаббуслари ва ижтимоий эътиборга молик лойиҳаларини кенг жамоатчилик ҳамда ҳакамлар ҳайати олдида намойиш этди. Ёшлар тақдим этган лойиҳалар инклюзив жамиятни шакллантириш, ногиронлиги бўлган шахслар учун тенг имкониятлар яратиш, жамиятда ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлиқни мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Энг муҳими — ушбу оромгоҳ ёшларни бир мақсад атрофида бириктириб, уларнинг ички салоҳиятини кашф этиш ва ривожлантириш учун мустаҳкам платформа бўлиб хизмат қилди. Бу ерда шакланган дўстона муҳит, ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлаш тамойиллари иштирокчиларнинг нафақат бугунги фаоллигига, балки уларнинг келгусидаги ҳаёт йўлига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

БИЗ СЕН БИЛАН, БОЛАЖОН...

Ҳар бир бола учун тенг имконият

Олмалик шаҳридаги “Ойдин ҳаёт” маҳалласида яшовчи Амирхон Жуманов алоҳида таълимга муҳтож болалардан бири эди. Унинг онаси Моҳина Жуманова ўғлининг тенгдошлари билан бирга таълим олишини жуда истарди.

Элбек ШОЙИМКУЛОВ, журналист.

У мақсадда аёл фарзандининг ўқишини шаҳардаги 20-сонли айрим фанлар чуқур ўргатиладиган умумтаълим мактабига ўтказди. Инклюзив таълим йўлга қўйилганидан буюн Амирхоннинг ҳаётида қатор ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.



— Дастлаб жуда хавотирландим, — дейди онаси Моҳина Жуманова. — Болам синфдошлари билан тил топиша олармаккан, ўқитувчилар уни тушунадими, деб ўйладим. Аммо вақт ўтиши билан унинг янги истёвдодлари намоён бўляётганини кўриб, жуда қувондим. Энг муҳими, ўғлим ҳар кун мактабга хурсанд бўлиб борапти. Бу, шубҳасиз, ўқитувчиларнинг меҳнати, синфдошларининг самийий муносабати ва мактабда яратилган инклюзив муҳит самарасидир.

Амирхон нафақат ўқишда, балки спорт ва санъат соҳаларида ҳам ўз иқтидорини намоён этмоқда. Футболга бўлган қизиқиши унинг синфдошлари билан яқинлашишига ёрдам берапти. Жамоавий ўйинлар орқали мулоқот кўникмалари ривожланыпти. Амирхон мактаб тадбирларида ҳам фаол иштирок этиб, ижтимоий ҳаётга янада фаол мослашапти. У турли расмлар чизиб, ижодий қарашларини ўстиряпти.

Синф раҳбари Азиза Тошманова инклюзив таълим жараёнида алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. У боланинг муҳитга мослашиши, синфдошлари билан эркин мулоқот қилиши ва ўзига бўлган ишончини ошириш учун доим қўллаб-қувватлаб келяпти.

Инклюзив таълим ногиронлиги бўлган болаларга мустақил ҳаёт кечириш, жамиятда ўз ўрнини топиш имконини беради. Бу нафақат бир оила, балки бутун жамият учун ҳам катта ютуқдир.



Ўзбекистонда
2030 йилгача
СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ
491,5 ТРИЛЛИОН
СУМГА
етказилади.



Қарзини узолмасдан
банкрот бўлаётган
фирмаларга
ОЁҚҚА ТУРИБ
ОЛИШИДА
ЁРДАМ
БЕРИЛАДИ.



Ариқ ва
ирригация
тизимларини
кўмиб ташлаганлар
БҲМНИНГ
5 БАРАВРИГАЧА
миқдорда жаримага
тортилади.

2026 йил
8 АПРЕЛЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №29

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

ТАРИХ — УСТОЗ

Амир Темур — нафақат буюк саркарда ва давлат арбоби, балки адолатли бошқарув тизимини ярата олган улкан ислохотчи ҳамдир. Унинг давлатни бошқаришдаги асосий тамойилларидан бири — адолат бўлгани каби, солиқ сиёсати ҳам айнан шу тамойилга асосланган эди.

АМИР ТЕМУР адолатли солиқ тизимини қандай йўлга қўйган?

Одил ОЛИМЖОНОВ,
Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар
маркази бош илмий ходими,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Сохибқирон даврида солиқ тизими давлат барқарорлиги ва халқ фаровонлигини таъминловчи муҳим дастуруламал сифатида хизмат қилган. Темур ўзининг машҳур “Темур тузуқлари” асарида солиқ йиғиш масаласига алоҳида эътибор қаратади. У ерда солиқчиларга аниқ кўрсатмалар бериб, халқни оғир аҳволга солмасликни қатъий талаб қилади. Унинг фикрича, агар халқ қашшоқлаша, давлат ҳам заифлашади. Чунки давлат хазинаси айнан халқ меҳнати ҳисобидан тўлдирилади. Шунинг учун у солиқ миқдори меъёрга бўлиши, халқни хонавайрон қилмаслиги кераклигини таъкидлайди.

Амир Темур солиқ сиёсатини жорий қилишда, энг аввало, адолатли ёндашувни устувор қилди. Масалан, у қишлоқ ҳужалиги-

да солиқни ернинг унумдорлиги ва олинган ҳосилга қараб белгилашни жорий этган. Бу эса ҳар бир деҳқоннинг имкониятини ҳисобга олган ҳолда солиқ тўлашни таъминлаган. Энг муҳими, у ҳосил пишиб етилмасдан туриб солиқ олишни ман этган. Аслида ҳам “ҳосил пишди”, дегани деҳқоннинг чўнтагига дарҳол пул тушишини билдирмади. Аввал ҳосилни йиғиш, тозалаш, саралаш ва бозорга олиб чиқиб сотиш керак. Шу жиҳатдан, унинг бу гоёси нафақат ўша даврда, балки бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳозирги замонавий иқтисодиётда ҳам даромад ҳосил бўлмасдан туриб солиқ солиш адолатсизлик ҳисобланади.

Темур солиқни бирданга эмас, балки босқичма-босқич йиғишни йўлга қўйган. Яъни ҳосил пишгач ҳам барча солиқни дарҳол олиш эмас, балки маълум вақт давомида қисмларга бўлиб йиғиш тартиби жорий этилган. Бугунги кунда ҳам кўплаб давлатларда солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти мавжуд бўлиб, бу аҳоли ва тадбиркорлар учун катта энгиллик яратади. Демак, Темур жорий этган бу тамойиллар замонавий солиқ тизимида ҳам ўз аксини топмоқда.



Темурнинг яна бир муҳим ислохоти — янги ерларни ўзлаштирган ва ободончилик ишларини амалга оширган кишиларга берилган имтиёзлардир. Унинг буйруғига кўра, кимки саҳронинг обод қилса, боғ яратса ёки ерни ўзлаштира, биринчи йили солиқдан бутунлай озод қилинган. Иккинчи йили эса у фақат ўз хоҳишига кўра тўлов қилган, учинчи йилдан бошлаб белгиланган қонунлар асосида солиқ тўлаган. Ҳозирда ҳам давлатлар инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари бермоқда. Бу эса Темур давридаги сиёсат қанчалик узоқни кўзлаб амалга оширилганини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темурнинг солиқ сиёсати ўз даври учун жуда илғор ва адолатли тизим бўлган. Энг муҳими, унинг бу борадаги гоёлари фақат тарихда қолиб кетмади, балки бугунги кунда ҳам амалий аҳамиятга эга. Замонавий солиқ тизимларида адолат, босқичма-босқичлик, имтиёзлар бериш ва солиқ тўловчиларни ҳимоя қилиш каби тамойиллар қўлланилаётгани беvosита Темур каби буюк ислохотчилар меросининг давомидир. Шунинг учун уни жаҳон давлатчилиги тарихида адолатли солиқ сиёсатининг асосчиларидан бири сифатида баҳолашга тўлиқ ҳақимиз.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

“МЕН УЧУН БУ КАСБ — ШУНЧАКИ ВАЗИФА ЭМАС, ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ, ИШОНЧ ВА ҲАМКОРЛИҚДИР”



Фуқаролар билан ишлаш, бу — ҳар кунни янги синов, янги вазият дегани. Ҳар кун турли инсонлар билан мулоқот қилар эканман, кимдир касбимиз моҳиятини чуқур тушуниб, бизга яқиндан кўмаклашади, яна кимдир вазиятни ўзича баҳолайди.

Одилбек ЎРИНОВ,
Қўрай туманидаги
“Олмазор”,
“Янгиарғин” ва
“Нурафшон”
маҳаллалари солиқ
инспектори.

Шундай бўлса-да, мен учун энг муҳим тамойил — вазминлик, оғир-босқичлик ва елкадаги масъулиятни шараф билан бажаришдир. Ҳар қандай масалага яхши кайфият, хушмуомалалик билан ёндашилса, энг мураккаб муаммога ҳам осон ечим топишни амалда кўриб келмоқдаман.

Вазифадан келиб чиқиб, фуқароларга солиқларни ўз вақтида тўлаш заруригини доим эслатиб тураман. Айниқса, 15 апрель яқинлашаётган бир пайтда бу масала янада долзарб аҳамият касб этади. Фуқароларга солиқнинг камида 50 фоизини мuddатидан олдин тўлаш орқали кейинги ойлари учун ўзларига энгиллик яратишлари мумкинлигини тушунтираман. Қувонарлиси шундаки, бизни тўғри тушунган фуқаролар давлатимизга беварқ қолмапти — атиги 7 кун ичида 362 миллион 991 минг сум маблағ давлат бюджетига ундирилгани бунинг яққол исботидир.

Мен ҳар доим фуқаролар манфаатини ҳимоя қилишга интиламан. Ахир, “қарс икки қўлдан чиқади”, дейдилар-ку. Давлатимиз солиқларни ундириш билан бирга, аҳолига турли энгилликлар ҳам яратиб берган. Биз эса ана шу имкониятларни фуқароларга тўғри етказиш ва амалда қўллашда кўмак берамиз.

СОЛИҚ МАСЛАҲАТЛАРИ

Баъзи савдо ташкилотларида битта муҳим хатolik кузатиляпти. Товар сотилаётганда харидорга чегирма берилади, лекин бу чегирма электрон ҳисоб-фактурада нотўғри кўрсатилади.

ҲИСОБОТДА ЧЕГИРМАНИ ТЎҒРИ КЎРСАТИНГ!

Яъни айримлар товар нархини тўлиқ ёзиб, охири қаторда чегирма суммасини минус (-) билан алоҳида қилиб қўшиб қўйишяпти. Бу эса амалдаги тартибга зид. Аслида, қонунчиликка кўра, агар чегирма товар берилган пайтда қўлланилса, нарх дарҳол чегирма ҳисобга олинган ҳолда кўрсатилади. Яъни ҳужжатда яқиний нарх ёзилади. Масалан, 10 000 сўмлик товарга 5 фоиз чегирма берилса, ҳисоб-фактурада 9 500 сўм деб ёзилади. 10 000 сўм ёзиб, кейин алоҳида “-500 сўм” деб кўрсатиш нотўғри ҳисобланади.

Масалан, Мавжуда Шералиевага қарашли озиқ-овқат дўкони учун ижара шартномасини расмийлаштиришда амалий ёрдам бердик. Тадбиркорлик фаолиятидаги ҳуқуқий жараёнлар ҳар ким учун ҳам тушунарли бўлавермайди, айниқса, аёл тадбиркорлар учун бу биров мураккаб туюлиши мумкин. Шундай пайтда бизнинг кўмагимиз муҳим аҳамият касб этади. Яна бир нафақахўр отахонга тегишли 60 квадрат метр ер майдони мавжуд бўлиб, унга ер-мулк солиғидан озод этилиши мумкинлиги ҳақида батафсил тушунтириш берилди ва тегишли тартибда расмийлаштиришда ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, ҳудуддаги 2 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро ер солиғидан озод қилинди. Бу каби ишлар орқали биз нафақат солиқ йиғимиз, балки инсонларга энгиллик яратамиз, уларнинг ҳаётига ижобий таъсир кўрсатамиз. Мен учун бу касб — шунчаки вазифа эмас, балки халқ билан мулоқот, ишонч ва ҳамкорликдир. Фуқаролар бизни тушунса, биз ҳам уларни қўллаб-қувватласак, ҳар қандай масалани биргаликда ҳал қилиш мумкин. Энг катта ютуғимиз ҳам айнан шу — ўзаро ишонч ва ҳурматдир.



Оддий бир вазиятни тасаввур қилинг: дўкон мижозини жалб қилиш учун чегирма қилади, лекин ҳужжатни нотўғри расмийлаштиради. Кейинчалик текширув бўлса, бу ёзувлар савол туғдиради: “Нега нарх аввал юқори кўрсатилган, кейин туширилган?” Натижада ортиқча тушунтиришлар, вақт йўқотиш ва ҳатто жарималарга ҳам олиб келиши мумкин.

Шунинг учун электрон ҳисоб-фактура тузишда ҳар доим нархни қайта текшириб чиқинг, чегирма тўғри акс этганига ишонч ҳосил қилинг.

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Абдужалил ХАЙРУЛЛАЕВ,
Бухоро вилояти:

— Университетимиз Европа дастури доирасида грант ютиб олган. Мазкур грант маблағлари ҳисобидан ўқитувчиларга тўланадиган ойлик иш ҳақлари жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғидан озод қилинадими?

ГРАНТДАН ИШ ҲАҚИ ТЎЛАНСА, СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИМИ?

Алишер ЛАТИПОВ,
Когон тумани давлат солиқ инспекцияси
бошлиғи:

— Солиқ кодексининг 48-моддасига мувофиқ, халқаро ва чет эл ташкилотлари бепул асосда ажратган маблағлар грант сифатида эътироф этилади. Жисмоний шахслар грант маблағларини бевосита грант берувчидан олган тақдирда, ушбу суммалар жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғидан озод қилиниши белгиланган.

Бироқ грант маблағлари тўғридан-тўғри ўқитувчиларга эмас, балки университет (юрidik шахс) ҳисобига келиб тушмоқда ва кейинчалик ушбу маблағлар ходимларга иш ҳақи сифатида тўланапти. Бу эса мазкур тўловларнинг ҳуқуқий табиатини ўзгартиради. Яъни бундай тўловлар грант эмас, балки меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида қаралади.

Солиқ кодексининг 403-моддасига асосан, иш берувчининг ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлари ижтимоий солиқ солиш объектига кириди. Шу билан бирга, амалдаги тартибга кўра, иш ҳақи кўринишида олинган даромадлар солиққа тортилади. Шу боис грант маблағлари ҳисобидан ходимларга тўланаётган иш ҳақлари даромад солиғидан озод этилмайди.



“БИТТА АСКАР – БИТТА КАСБ” тамойили асосида ўқув курслар ташкил этилиб, аскарларга махсус сертификат берилди.



Ўзбекистонда **УРНИ БИРЖА ОРҚАЛИ СОТИШ ТАЛАБИНИ БУЗГАН** 25 та корхонага нисбатан иш қўзғатилди.



Ўзбекистонда **ҳарбийлар ўртасида китобхонлик танлови ўтказилиб, ҲОЛИБЛАРГА ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ БЕРИЛАДИ.**

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭССИЗ ОДАМЛАР...

Тасаввур қилинг, хонадонингизга “маҳалла еттилиги” ходимлари келди. Улар хатлов жараёнида қизиқишингизга кўра, имтиёзли кредит ажратилишини ваъда қилди. Аммо вақт ўтиб, ваъда ваъдалигича қолди. Умидингизни узиб, тақдирга тан берганингизда банкдан кредит қарзингиз ҳақида хабарнома юбориб қолишди. Ваҳоланки, сиз банкдан бир сўм ҳам олмагансиз. Яна бу имтиёзли кредит бўлса, ҳайронлигингиз икки ҳисса ошади.

Ҳоким ёрдамчиси имтиёзли кредитни эҳтиёжига ишлатганми?



Азиз ОБИДОВ,
Олий суд матбуот котиби.

Дехқонобод туманидаги “Торқоччиғай” маҳалласида яшовчи ўнлаб фуқаролар ана шундай қийин вазиятга тушиб қолди. Гап шундаки, маҳалланинг ҳоким ёрдамчиси ва “еттилик” тавсияси билан уларга ўзлари билмаган ҳолда имтиёзли кредит ажратилган...



Бир қарашда ҳаммаси хайрли яқун топди. Аммо тангингиз иккинчи томонига эътибор бериб қўйиш зарар қилмайди. Яъни, “еттилик” ходимлари ҳар бир ташаббус ва ислохотни жонлантирадиган, ҳаракатга келтирадиган куч ҳисобланади. Аниқроқ айтганда, улар — ҳудуднинг кўзгуси. Шундай экан, бугун давлат ишонган, Президент катта умид билдирган ходимлар бундай ишга қўл уриши фуқароларнинг ислохотларга ишончи сусайишига сабаб бўлади.

Шу ўринда айтиш керакки, ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилган, маҳаллаларда тadbirkorлик ва ишбилармонлик муҳити яратилди, камбағаллик ва ишсизлик қисқаришига эришилди. Шу билан бирга, уларнинг зиммасига катта ваколат билан бирга, улкан масъулият ҳам юкланди. Афсуски, айрим ҳоким ёрдамчилари ана шу ваколат доирасидан чиқиб, берилган вазифаларни имконият сифатида қўриб, юқоридаги каби қонунбузарлик содир этишяпти.

Иш ҳужжатларига кўра, туманининг “Торқоччиғай” маҳалласида ҳоким ёрдамчиси бўлиб ишлаган судланувчи қисқа фаолияти давомида, яъни, 2024 йил 8 июндан 2025 йил 8 июлга қадар “Ҳар бир оила — тadbirkor” дастури асосида ажратилган имтиёзли кредит маблағини фуқароларнинг розилигисиз тақсимлашига йўл қўйган. Бу орқали жами 626 миллион сўм маблағни талон-тароҳ қилган. Бўлиб ўтган тўғрилик жараёнида судланувчи фуқароларга етказилган зарарни қоплаб берди. Шу сабабли 2 йил 1 ой ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинди. Балки сиз ўқувчиға ҳукм енгилдек кўринар, лекин қонунчиликда етказилган зарар қопланса, озолиқдан маҳрум қилиш жазоси истисно этилади.

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

АҲОЛИ АҲВОЛИДАН ҲАМИША ХАБАРДОРМИЗ

Ҳар тонгни ўзимга юклатилган масъулият ҳисси билан қарши олишни ҳаётий шиорга айлантирганман. Хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, фуқароларни ўз яқин инсонимдек кўраман. Балки шунданми, ўртамизда ишонч барқарор.

Жасур ОТАЖОНОВ,
Ширин шаҳридаги “Бунёдкор” маҳалласи профилактика инспектори.

“Еттилик” ходимлари билан биргаликда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли муаммоларига ечим топиш, бандлигини таъминлаш, тadbirkorликка йўналтиришга алоҳида эътибор беришимиз, камбағалликни қисқартиришга эришяпмиз. Албатта, бу орқали содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг ҳам олди олинапти. Чунки доимий даромад манбаига эга, ишли одамлар одатда жиноят содир этмайди. Бу фикр тасдиғи тажрибамиз ва натижамизда ойнадек акс этиб турибди.

2025 йил бошида 44 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлса, жорий йил бошида бу рақам 13 тага тушди. Икки йилдирки, жиноятчиликдан холи ҳудуд, ҳисобланамиз.

Ҳўш, бу натижага қандай эришяпмиз?

Айни пайт маҳаллада 2 206 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар, асосан, кўп қаватли уйларда яшайди. Энг аввало, жиноятнинг олдини олиш учун соғлом ижтимоий муҳит яратишга эътибор беришимиз. Аҳолининг муаммоларини “хонадонбай” урганишимиз. Ижтимоий кўмакка муҳтож инсонларга зарур ёрдам кўрсатяпмиз.

Тўғри, маҳаллада ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилди. Уларнинг аксарияти жамоат тартибини бузиш, спиртли ичимлик истеъмол қилиш билан боғлиқ. Ҳуқуқбузарларнинг барчаси катъий назоратга олинган. Уларнинг жиноят йўлига кириб қолмаслигига эришяпмиз.



Одамлар билан доимий мулоқот, ҳудудни ҳар томонлама билиш ва ҳар бир оилани эътибор билан қўзатиб бориш — жиноятчиликнинг олдини олишдаги энг катта омилдир. Бирор қор-ҳол бўлса, аҳоли, аввало, маҳаллага, профилактика инспектори ҳузуримга ошиқади. Унинг муаммоси бошқа соҳага тааллуқли бўлса ҳам имкон қадар амалий ёрдам кўрсатамиз. Қолаверса, тўй борми, аза борми, ҳамма тadbirkorларда елкама-елка тураемиз.

Янги иш бошлаган пайтимида ҳудудда санокли назорат камераси бор эди, холос. Дастлабки ишни шундан бошладик. Маҳалла аҳолиси билан келишган ҳолда барча кириш ва чиқиш йўлларига, кўп қаватли уйлар олдида назорат камералари ўрнатдик. Бу орқали ички кўчаларни ҳам исталган пайтда қўзатиш имкони яратилди. Қолаверса, ҳар бир кўчанинг ўз кўчабошиси бор. Улар маҳаллада обрў-эътиборга, ҳурматга лойиқ инсонлар орасидан танлаб олинган. Тadbirkorларнинг ҳаракатларини сезиш ва кўнгли-сизиликнинг олдини олишда шу оқсоқоллар бош-қош.

Маҳалламизнинг энг осойишта ҳудуд сифатида тан олинмиши замирида ҳар бир масъулнинг видонан хизмати, қатъияти ва фидокорона меҳнати ётибди. Биз аҳолининг ишончини биринчи ўринга қўямиз.

Ҳамкасбларимга маслаҳатим — эл меҳрини қозонишни исташса, халқ билан масофани яқинлаштиришсин, хизмат олиб бораётган ҳудуд аҳолисининг бир қисмига айланишсин! Шундагина ҳудудда жиноятчилик содир этилмайди.



Сахифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАХМОНОВ тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Хавфсизликка барча масъул бирдек жавобгар

Мадина ТОҲИРОВА,
Чортоқ тумани:

— Бугун барча маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, ўз навбатида, қонунга ҳам ўзгартириш киритилди. Имкони бўлса, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида маълумот берсангиз?

Бекмурод БЕКИМБЕТОВ,
Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими:

— Бу борадаги ишлар, асосан, рақамлаштириш, хотин-қизлар ҳимояси ва жазо муқаррарлигини таъминлашга қаратилди. “Маҳалла еттилиги” фаолиятини ташкил этилиши натижасида ҳуқуқбузарликлар билан фақат ички ишлар ходимлари эмас, балки бошқа масъуллар ҳам тенг жавобгар экани белгиланди. Яъни, профилактика инспектори “еттилик” билан ҳамкорликда ишлайди.



Шу орқали муаммони жазолаш билан эмас, балки ижтимоий ёрдам бериш орқали ҳал қилишга эришилмоқда. Қолаверса, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчилик кескин қўзғатилди. Аввал оилавий зўравонлик учун фақат маъмурий жазо қўйланган бўлса, энди жиноий жавобгарлик белгиланди. Бундан ташқари, йўллардаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида жарима балл тизими жорий этилди.

Фирибгарлик ва ўғирликларнинг рақамли кўриниши кўпайгани сабабли маъмурий ва жиноят кодексига қўшимчалар киритилди. Банк карталаридаги маблағларни ечиб олиш энди оғир жиноят сифатида тавсифланмоқда. Шахсий маълумотларни ноқонуний тарқатгани учун назорат қўзғатилди. Ижтимоий профилактика ва пробация тизимида озолиқдан маҳрум этишга муқобил жазолар кенгаймоқда. Қайта жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида бу тоифадаги шахсларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида урғу берилляпти.